

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**АВАЗОВ ИЛХОМ РАВШАНОВИЧ**

**КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ ВА**  
**АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on economical  
sciences**

**Авазов Илхом Равшанович**

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ва аудитини  
такомиллаштириш..... 3

**Авазов Илхом Равшанович**

Совершенствование составления консолидированной  
финансовой отчетности и ее аудита..... 27

**Avazov Ikhom Ravshanovich**

Improvement of preparation the consolidated financial report  
and its audit..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**АВАЗОВ ИЛХОМ РАВШАНОВИЧ**

**КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ ВА**  
**АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2. Phd/Iqt999 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кўзиев Исломжон Нейматович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Нейматулла Фатхуллаевич**  
иктисодиёт фанлари доктори

**Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «8» 11 кун соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел.: (71) 234-53-34, факс: (71) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (146 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел.: (71) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2020 йил «22» 10 кун тарқатилди.

(2020 йил «22» 10 даги 40-рақамли реестр баённомаси).



**С.У.Мехмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, (DSc) профессор

**Н.Н.Каландарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

**С.Э.Элмирзаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.в.б., иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тобора чуқурлашиб бораётган глобаллашув ва интеграция жараёнлари умумқабул қилинган халқаро меъёрлар ва стандартларга ўтиш ҳамда уларга амал қилишга бўлган талабларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, бевосита умумтан олинган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларига ҳам алоқадордир. Дунёда турли соҳаларда фаолият юритаётган барча акциядорлик жамиятлари, трансмиллий корпорациялар ва йирик компаниялар ўзларининг шўъба ва боғлиқ компаниялари билан биргаликда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ молиявий ҳисоботларни ихтиёрийлик асосда тузмоқда. Компаниялар кўпинча консолидациялашган ҳисобот сўзини бемалол ўзларининг молиявий ҳисоботларида бутун фаолияти тўғрисида йиғилган ҳисоботга боғлашлари мумкин. Бироқ, молиявий ҳисобот стандартлари кенгаши консолидациялашган молиявий ҳисоботни бош компаниянинг ва шўъба жамиятлари билан биргаликда тузилган корхонанинг ҳисоботи деб белгилайди. «Агар компания халқаро миқёсда ҳисобот берса, у халқаро ҳисобот стандартлари кенгашининг молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (International Financial Reporting Standards) (IFRS) кўрсатмаларига мувофиқ тузиши керак»<sup>1</sup>. АҚШдаги умумқабул қилинган принциплар (GAAP) ҳам, МҲХС ҳам шўъба жамиятлари билан консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ҳамда тақдим этиш, илғор тажрибалардан миллий даражада самарали фойдаланиш барча мамлакатлар учун энг долзарб масаладир.

Халқаро амалиётда МҲХС асосида консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш асосларини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада молиявий ҳисоботнинг объектлари ҳисобланган активлар, мажбуриятлар, даромад ва харажатлар ҳамда уларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи муомалаларни тан олиш, баҳолаш ва консолидациялашган молиявий ҳисоботда акс эттиришда ягона услубий тартибга эришиш, МҲХС талабларига жавоб берадиган ҳисобот шакллари жорий этиш масалалари илмий тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқотлар натижасида АҚШдаги умумқабул қилинган принциплар (GAAP) ҳамда МҲХСнинг ўзаро мувофиқлигига эришилиб, йирик халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан молиявий ҳисобот шакллари ҳамда бош компаниялар томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот услублари тавсия этилган. Лекин молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг ягона бир тизимга келтириш масалалари етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини таъминлаш, халқаро стандартлар талаблари асосида шакллантириш, молиявий ҳисоботлардаги ахборотларнинг

<sup>1</sup> <https://www.ifrs.org/use-around-the-world/use-of-ifrs-standards-by-jurisdiction/israe>

ишончлилигини тасдиқлаш муҳим ҳисобланади. Хусусан, «ҳар йили акциядорлик жамиятларининг эълон қилинадиган молиявий ҳисоботи МҲХСга мувофиқлиги бўйича сифат назоратини амалга ошириш»<sup>2</sup> вазифасининг белгиланиши акциядорлик жамиятлари томонидан молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик текширувларини ўтказишни тақозо этади. Шу боисдан консолидациялашган молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тузиш ва уни аудиторлик текширувини халқаро стандартлар талаблари асосида амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ҳамда 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 274-сонли «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ва аудитини такомиллаштириш бўйича асосан хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотларни олиб боришган. Улар жумласига Э.А.Аренс, Дж.К.Лоббек, П.С.Безруких, В.В.Ковалев, Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэлл, В.Ф.Палий, Р.Энтони, Дж.Рис, А.Д.Шеремет, В.П.Суйц, Я.В.Соколовларни киритиш мумкин<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарори. (<https://lex.uz/docs/4746047>)

<sup>3</sup> Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит, пер. с англ. под. ред. проф. Я.В. Соколова. - М.: Финансы и статистика, 2001. с.- 560; Безруких П.С. Бухгалтерский учет. Учебник. - М.: Бухгалтерский учет, 2002. с. - 719; Ковалев В.В. Финансовый анализ: методы и процедуры. -М.: «Финансы и статистика», 2002. с.-560; Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учёта. - Москва: Финансы и статистика, 2004. с.-496; Палий В.Ф. Международные стандарты финансовой отчетности. - Москва: ИНФРА-М, 2003. - 454 с.; Энтони Р., Рис Дж. Учет: ситуации и примеры. - Москва: Финансы и статистика, 2001. с.-348; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит: Учебник. М.: ИНФРА-М., 2017. с.-375; Соколов Я.В. Основы теории бухгалтерского учета. -М.: «Финансы и статистика», 2003. с.-496.

Республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан бу масалалар яратилаётган дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар, шунингдек эълон қилинаётган илмий мақола ва тезисларда фақат консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишнинг назарий жиҳатлари ўрганилган. Масалан, Р.Д.Дўсмуратов, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, З.Т.Маматов, А.Х.Пардаев, М.Қ.Пардаев, Б.А.Хасанов, К.Б.Ўразов, Н.Ф.Каримов, Б.К.Ҳамдамов, И.Н.Исманов, Б.Ю.Махсудов, Ҳ.Н.Мусаев, А.Ж.Туйчиев, И.Н.Қўзиёв, З.Н.Қурбанов, К.Р.Хотамов, А.З.Авлокулов, С.Н.Ташназаровларнинг асарларида молиявий ҳисоботларни тузишнинг назарий жиҳатларини ривожлантириш муаммолари ўрганилган<sup>4</sup>.

Республикамизда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузиш тартибини такомиллаштиришга ҳисса қўшган олимлардан С.Насретдинов ва Н.Хўжабековларнинг диссертация ҳамда илмий мақолаларида консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг илмий жиҳатдан асосланишига замин яратилди<sup>5</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини такомиллаштириш масалалари яхлит тарзда иқтисодчи олимларимиз томонидан махсус, илмий тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган.

---

<sup>4</sup> Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. - Тошкент: Ўзбекистан Миллий энциклопедияси, 2003. - 612 б.; Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиёв И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. 444-б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монография. - Тошкент: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. — 152 б.; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. - Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2005. - 40 б.; Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. - Тошкент: 2008. - 252 б.; Пардаев М.К. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилни назарий ва методологик муаммолари: Иқт.фан.док. дис. автореф. - Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2002. - 43 б.; Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари: Иқт.фан.док. дис. ...автореф. - Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2004. - 42 б.; Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. - Тошкент: Фан, 2005. -236 б.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит: Монография. -Т.: ЎзРФА «Фан» нашриёти, 2006. -262 б.; Ҳамдамов Б.К. Аудит иқтисоди. Монография. - Тошкент: 2005. - 251 б.; Исманов И.Н. Узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисобининг методологик асослари. Монография:-Т.: Фан, 2006. - 172 б.; Махсудов Б.Ю. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш. Иқт. фан. док. (DsC) дисс. автореферати. -Т.: ТМИ, 2018; Мусаев Ҳ.Н. Миллий иқтисодиётни янги босқичга кўтаришда бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни ва такомиллаштирилиши //Иқтисод ва молия. 2017 й. №12, -33-36-б.; Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлиlining назарий методологик муаммолари. Диссертация. и.ф.д. – Тошкент. 2011 й. 198 б.; Қўзиёв И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2017. – 70 б.; Курбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Дис...иқт.фан б д-ри. -Т.: БМА, 2006. - 272 б.; Ҳотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби ва таҳлилининг такомиллаштириш. Монография. –Т: Молия, 2016.-168 б.; Авлокулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2019. – 71 б.; Ташназаров С.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2019. – 73 б.

<sup>5</sup> Насретдинов С.С. Консолидациялаштирилган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва услубий масалалари («Дори-дармон» давлат акционерлик уюшмаси мисолида) иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати, Тошкент: 2004. -22 б.; Хўжабеков Н.Б. Бизнесни бирлаштиришда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати, Тошкент: 2009. -22 б.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация иши Тошкент молия институтининг АМ-ФЗ-20190813110-сон «Ўзбекистонда аудитнинг халқаро стандартлари асосида инновацион аудит хизматларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ва аудитининг ҳозирги ҳолатини тадқиқ этиш ҳамда уни такомиллаштиришга доир таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш;

консолидациялашган молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тузиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

консолидациялашган молиявий ҳисоботни текширишда аудит амалларини қўллашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий тажрибага асосланган ҳолда консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш;

аудитнинг халқаро стандартлари асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг текшируви бўйича аудиторлик хулосасини тақдим этиш тартибини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятлари, хусусан, «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг консолидациялашган молиявий ҳисобот маълумотлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш ва унинг аудитини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий-услубий масалалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида индукция ва дедукция, монографик кузатиш, омилли таҳлил, синтез ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамияти таркибидаги шўъба жамиятлар ўзаро қарзларининг чегирилиши ва ҳисобот маълумотларининг шаффофлигини ҳисоб сиёсатига консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш қоидаларини киритиш орқали таъминланган;

консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишнинг акциядорлик жамиятлари ва унинг таркибидаги шўъба жамиятлар ҳисобот маълумотларини ишончлилигини таъминлайдиган босқичлари таклиф этилган;

аудиторлик текширувини тўғри режалаштириш, аудитнинг умумий режаси ва дастурининг узвийлигига мувофиқлаштирилган консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш алгоритми ишлаб чиқилган;

ишончли аудиторлик хулосасини тузишда консолидациялашган молиявий ҳисобот хусусиятларини инобатга олган ҳолда таҳлилий амалларни қўллаш ва рискни аниқлаш усули такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жаҳон мамлакатларида глобаллашуви ва интеграциялашуви жараёнларининг чуқурлашуви шароитида консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш жараёни такомиллаштирилган;

акциядорлик жамиятлари ва шўъба жамиятлари томонидан тузиладиган ҳисоб сиёсатидаги номувофиқликларни бартараф этишнинг 3 та варианты таклиф этилган;

консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитида ахборотларнинг ишончлилиги ва етарлилигини таъминлашда аудиторлик далилларининг таркиби кенгайтирилган;

консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда аудиторлик рискинни бош компания ва шўъба жамиятларнинг молиявий ҳисоботида оптимал тақсимлаш таклиф этилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар, расмий манбалардан олинган маълумотлар, тадқиқотда акциядорлик жамиятлари томонидан тузилган консолидациялашган молиявий ҳисобот ва уни аудитдан ўтказишга доир маълумотларнинг асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекнефтгаз акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг расмий маълумотлари, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг амалий маълумотлари таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар акциядорлик жамиятларида халқаро стандартлар асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ва уни аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Амалий аҳамияти акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ва уни аудиторлик текширувидан ўтказишни такомиллаштиришда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш ва уни аудиторлик текширувидан ўтказишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

акциядорлик жамияти таркибидаги шўъба жамиятлар ўзаро қарзларининг чегирилиши ва ҳисобот маълумотларининг шаффофлигини ҳисоб сиёсатида консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш қоидаларини киритиш бўйича таклифи «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 3-сон буйруғи асосида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2020 йил 16 мартдаги 08-40-13/44-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида акциядорлик жамияти таркибидаги шўъба жамиятлар ўзаро

қарзларининг чегирилишига ва ҳисобот маълумотлари аниқлиги ҳамда шаффофлигининг ошишига эришилган;

консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишнинг акциядорлик жамиятлари ва унинг таркибидаги шўъба жамиятлар ҳисобот маълумотларини ишончлилигини таъминлайдиган босқичлари бўйича таклифи «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 3-сон буйруғи асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш жараёнида фойдаланилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2020 йил 16 мартдаги 08-40-13/44-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг қўлланилиши натижасида «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва унинг таркибидаги акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятларини ўз ичига қамраб олган консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг ўз вақтида, тизимли ва яхлит тарзда тузилиши таъминланган;

аудиторлик текширувини тўғри режалаштириш, аудитнинг умумий режаси ва дастурининг узвийлигига мувофиқлаштирилган консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш алгоритминини қўллаш бўйича таклифи Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 5-сон буйруғи асосида «Аудиторлик ташкилотларининг консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини сифатли амалга ошириш бўйича услубий қўлланма»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2020 йил 17 мартдаги 15/1-сон маълумотномаси). Натижада консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш босқичларининг қўлланилиши аудиторлик текширувини тўғри режалаштириш, аудит умумий режаси ва дастурининг узвийлигини таъминлаш, аудиторлик далилларини етарли даражада тўплаш имконини берган;

ишончли аудиторлик хулосасини тузишда консолидациялашган молиявий ҳисобот хусусиятларини инобатга олган ҳолда таҳлилий амалларни қўллаш ва рискни аниқлаш усули бўйича таклифи Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 5-сон буйруғи асосида «Аудиторлик ташкилотларининг консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини сифатли амалга ошириш бўйича услубий қўлланма»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2020 йил 17 мартдаги 15/1-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий кўрсаткичларини тўғри аниқлаш, аудиторлик текширувларининг аудит шартномасида белгиланган муддатларда яқунланиши ҳамда ишончли аудиторлик хулосасини шакллантириш имкониятини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 8 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ҳамда ижобий хулосалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, миллий ОАК эътироф этган журналларда 5 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 144 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарураяти асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган бўлиб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишнинг назарий асослари**» деб номланиб, унда консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг иқтисодий моҳияти ва уни тузишдаги илмий-назарий қарашлар, консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг мақсади ва вазифалари ҳамда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишнинг хориж тажрибаси тадқиқ этилган.

Иқтисодиётни диверсификациялаш жараёнларини ривожлантиришда узок муддатли алоқалар компанияларнинг доимий иш фаолиятини олиб бориш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг мавжудлигига эришиш муҳим масалалардан биридир. Бунда компаниялар томонидан тузиладиган консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш заруриятини юзага келтирувчи асосий омил бу муносабатлар доирасининг кенгайишидир. Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятлари томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш ва унинг шаффофлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари томонидан консолидациялашган молиявий ҳисоботни Ўзбекистонга халқаро инвестицияларни жалб қилиш, жаҳон бозорларига чиқиш мақсадида тузиши талаб қилинади.

### 1-жадвал

#### Консолидациялашган молиявий ҳисоботни эълон қиладиган ташкилотлар ҳақида маълумот<sup>6</sup>

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни эълон қиладиган ташкилотлар	Ҳисобот йиллари				
	2015	2016	2017	2018	2019
Консолидациялашган молиявий ҳисоботни эълон қилиши шарт бўлган ташкилотлар сони	220	230	247	244	252
Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиб эълон қилган ташкилотлар сони	32	41	35	35	38
Консолидациялашган молиявий ҳисоботни эълон қилмаган ташкилотлар сони	188	189	212	209	214
<b>Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиб, эълон қилган ташкилотлар улуши</b>	<b>14,5%</b>	<b>17,8%</b>	<b>14,2%</b>	<b>14,3%</b>	<b>15,1%</b>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, консолидациялашган молиявий ҳисоботни чоп этишлари шарт бўлган ташкилотлар 2015 йилда 14,5

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан тайёрланган

фоизни ташкил қилган, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 15,1 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Маълумотлардан кўриниб турибдики мазкур ҳолат тўрт йил давомида деярли ўзгармаган. Бу эса, аксарият ташкилотлар шу давр мобайнида ўз мавқеини оширишга ҳаракат қилмаганлигини кўрсатади.

Шундай экан, акциядорлик жамиятлари томонидан консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий жиҳатларини таҳлил қилиш, уни шаффофлигини таъминлаш масаласи доимо долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

Иқтисодчи олимлар томонидан молиявий ҳисобот ва консолидациялашган молиявий ҳисобот тузиш борасида турли хил қарашлар мавжуд.

Хорижлик бир қатор иқтисодчи олимлар Н.В.Генералова, Г.В.Соболева ва Н.А.Соколоваларнинг фикрича, «молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш жамоат ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга компаниялар томонидан халқаро стандартлардан фойдаланиб, молиявий ҳисоботларни тузиш белгилаб берилган. Бу эса халқаро стандартлардан бевосита фойдаланишни англатади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосланган миллий стандартларни ишлаб чиқиш орқали миллий стандартларни босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мослаштиришга интилоқда»<sup>7</sup> деб эътироф этишади. Бу хусусда барча олимларнинг фикрларини яқдил деб бўлмайди. Масалан, хорижлик иқтисодчи олимлардан В.В.Ковалев, Вит.В.Ковалев<sup>8</sup> «Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни амалиётда қўлланилиши ва янада такомиллаштирилиши учун қуйидаги омиллар ҳам асос ҳисобланади: бухгалтерия ҳисобининг янги усулларини қўллашда тўсиқлар йўқлиги; бизнесни бирлаштириш жараёнларининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хабардорлик; йирик фонд биржалари томонидан бирлаштириш ғоясини маъқуллаш», деб таъкидлаган. Хорижлик таниқли иқтисодчи олим В.С.Плотников<sup>9</sup> «Консолидациялашган молиявий ҳисоботни амалиётда такомиллаштириш давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ва ўзларининг шароитидаги ўзгаришлар, шунингдек 1983 йил 13 июндаги Европа Иттифоқининг Еттинчи директиваси қабул қилинганлиги»ни қўллаб-қувватлайди. Бунда хориж мамлакатлари тажрибасини кўрадиган бўлсак, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш бўйича бизнинг мамлакатимиз анчагина орқада қолиб кетганлигидан далолат беради.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижаси шунини кўрсатмоқдаки, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш хусусида ҳам иқтисодчи олимлар ўртасида турли хил қарашлар мавжуд.

Ўз навбатида, маҳаллий иқтисодчи олимлардан Н.Хўжабеков<sup>10</sup> ўзининг илмий тадқиқотларида шундай фикр билдирган. Яъни, бизнесни бирлаштириш

<sup>7</sup> Generalova, N., Soboleva, G., Sokolova, N. (2015): IFRS-Russian Experience: Realities and Challenges, Proceedings of the 25th International-Business-Information-Management-Association Conference, Netherlands, pp. 601-608.

<sup>8</sup> Ковалев, В. В., Ковалев, Вит.В. Анализ баланса. – 3-е изд., перераб. и доп. – Москва : Проспект, 2016. – 316 с.

<sup>9</sup> Плотников В.С. Основы консолидированного учета: методологические аспекты: монограф. – Саратов: Издат. центр Саратовского государственного социально-экономического университета, - 2000. - 5 с.

<sup>10</sup> Хўжабеков Н.Б. Бизнесни бирлаштиришда консолидациялашган молиявий ҳисоботларни такомиллаштириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати, Тошкент: 2009. -22 б.

операцияларини консолидациялашган молиявий ҳисоботда ҳаққоний акс эттиришни таъминлашнинг гуруҳ корхоналари ресурсларининг самарадорлигини оширишдаги муҳим аҳамиятини қайд этиш лозим. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш учун ўта муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидлаб ўтган.

Фикримизча, муаллиф бизнесни бирлаштириш натижасида сотиб олинган хўжалик юритувчи субъектларни 50 фоиздан кўп акциясига эга бўлса, бунда консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишни талаб қилади. Шундай экан, бир корхона остида бирлашиб, унинг фаолиятини модернизация ва диверсификация қилиш, бухгалтерия ҳисобининг замонавий усуллари кўллаш орқали молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий манбаси сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан бири Б.А.Хасанов ва С.С.Насретдинов<sup>11</sup>ларнинг фикрича: «Консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг мақсади бош ва шўъба жамиятлари гуруҳи мулкӣ ва молиявий аҳволи, уларнинг фаолият натижалари тўғрисида тўлиқ ахборотларни шакллантиришдир. Ушбу ҳисобот ички ва ташқи фойдаланувчилар корхона раҳбари, бош ва шўъба жамиятлари гуруҳи раҳбарлари, унинг таркибига кирувчи корхоналар ходимлари, салоҳиятли инвесторлар ва кредиторлар, мол етказиб берувчилар, харидорлар, давлат, шунингдек, бошқа манфаатдор фойдаланувчилар учун мўлжалланганлигини» қайд этиб ўтади.

Муаллифнинг фикрига кўра, бош компания ва унинг шўъба жамиятларининг ҳам ягона ҳисобот берувчиси сифатида уларнинг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромад ва харажатлари тўғрисидаги ахборотларни консолидациялашган молиявий ҳисоботда тақдим этишади. Ушбу ахборотлар бош компанияга келгусида соф пул киримларини баҳолашда унинг ташқи ва ички фойдаланувчилари учун фойдали маълумотлар ҳисобланади.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботда гуруҳнинг молиявий ҳисоботлари, унда бош ва унинг шўъба жамиятларининг активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари, харажатлари ва соф пул оқимлари акс эттирилади.


Иқтисодиёти ривожланаётган аксарият давлатларда консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш борасида илмӣ ишларнинг олиб борилганлиги, назарий атамалар ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалиётда қўлланилиши орасида бир мунча сезиларли даражада фарқлар мавжуд. Ушбу ҳолатни қуйидаги расмда кўришимиз мумкин (1-расм).

1-расм маълумотларига кўра ривожланган мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишдаги илмӣ ғояларнинг ва уни амалиётда қўлланилиши ўртасидаги сезиларли фарқлар мавжуд.

---

<sup>11</sup> Хасанов Б.А., Насретдинов С.С. Консолидациялаштирилган (умумлаштирилган) бухгалтерия ҳисоботи. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2003. - №10. - Б. 14-16.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари юзага келиши бизнесда янги муносабатлар давлатлараро муносабатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Умумий қоидалар асосида молиявий ҳисоботларни тақдим этиш фойдаланувчилар, шу жумладан, инвесторлар томонидан таҳлил қилинган турли мамлакатларда жойлашган компаниялар тўғрисидаги маълумотларнинг таққосланишини амалга ошириш имкониятлари мавжудлигини англатади.



### 1-расм. Жаҳон мамлакатларида консолидациялашган молиявий ҳисоботларнинг вужудга келиши ва амалиётда қўлланилиши<sup>12</sup>

Бизнинг фикримизча консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишда куйидаги маълумотлар келтирилиши зарур:

1. Бош ва шўъба жамиятлари гуруҳини нафақат янги иқтисодий, балки юридик шахс сифатида тақдим этиш тартиби. Ушбу тартиб бош ва шўъба жамиятлари гуруҳини мустақил иқтисодий тузилма сифатида кўриб чиқиш шарт-шароити асосларидан келиб чиқади. Айнан, у тартибга мувофиқ бош ва шўъба жамиятлари гуруҳининг бухгалтерия ҳисоботи: оддий жамият ҳисоботига мос келиши керак, бош ва шўъба жамиятлари гуруҳи, жамиятлари ўртасидаги операциялар ва уларнинг натижалари аниқланиши ҳамда истисно қилиниши керак.

2. Тўлиқлик тартиби. Ушбу тартиб барча ташкилотлар қаерда жойлашгани ва фаолият туридан қатъий назар, уларнинг мулклари, мажбуриятлари, даромад ва харажатлари умумлаштириш жараёнида ҳисобга олинишини англатади. Шу тарзда бош ва шўъба жамиятлари гуруҳининг мулкӣ ва молиявий аҳволи, унинг фаолияти натижалари тўлиқ ва аниқ акс эттирилиши таъминланади.

3. Ягона ҳисобот даври тартиби. Бунда бирлик назариясидан келиб чиқиб, бош ва шўъба жамиятлар гуруҳи учун ягона ҳисобот даври ҳамда ягона ҳисобот муддатини аниқлаш лозимлигини англатади.

4. Ҳисоб сиёсатининг ўзгармаслик тартиби. Бунда бош ва шўъба жамиятлари гуруҳи ҳисоботи маълумотларининг бирлиги ва таққосланишини

<sup>12</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган

таъминлаш учун катта роль ўйнайди. Ҳисоб сиёсати бир неча ҳисобот даври мобайнида изчил қўлланилиши, ундаги ўзгаришлар эса махсус асосланган бўлиши керак. Ушбу ҳолатда ҳисоб сиёсатига капитал ва мажбуриятларни умумлаштириш, ички айланма маблағлар ва оралиқ натижаларни истисно қилиш, ҳамкорликда назорат қилинаётган жамиятларни умумлаштириш, шунингдек, умумлаштириш давомида юзага келадиган у ёки бу ҳисоб-китобларни рад этишларни акс эттириш усуллари киради.

Шундай экан, ҳисоботни тузишга қўйилган қоидаларни билган ҳолда уни тузиш тартибини ҳам ўрганиш зарур. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишда қуйидаги босқичларнинг бўлиши ҳисоботни сифатли ва шаффоф тузишга хизмат қилади (2-жадвал).

2-жадвал

**Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш босқичлари**<sup>13</sup>

Босқич	Бажариладиган ишлар	Эришиладиган натижалар
1-босқич	Бош ва шўъба жамиятларнинг молиявий ҳолати, даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботнинг ўхшаш кўрсаткичлари кетма-кетлигини белгилаш	Ушбу босқичда шўъба жамиятлари томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботларни бир хилда бўлиши ва консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг аниқлигини таъминлаб беради
2-босқич	Бош компаниянинг инвестициялари ва унинг шўъба жамиятларининг устав капиталидаги улушини ўзаро истисно қилиш	Бунда бош компания томонидан ўзининг шўъба жамиятининг устав капиталига улуш киритганлиги ҳисобга олинмайди ва консолидациялашган молиявий ҳисоботда кўрсатилмайди
3-босқич	Гуруҳ таркибига кирувчи ташкилотлар ўртасида гуруҳлараро ҳисоб-китоблар учун қолдиқлар ва айланма маблағни чиқариб ташлаш	Бу босқичда бош компания ўзининг шўъбаларидаги ва шўъбалар ўртасидаги айланма маблағларни консолидациялашган молиявий ҳисоботга киритмаслиги натижасида консолидациялашган молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини таъминлаб беради
4-босқич	Ҳисобот даври учун шўъба жамиятларнинг тегишли уставларини ўзгартиришга бош компаниянинг капиталига унинг улушини киритиш	Бунда бош компания йил бошида ўз шўъба жамиятларнинг уставини тузишда капитал киритиш миқдорини аниқ кўрсатиб берилади ва ҳисобот йилининг ўзида у капитални киритилишини назорат қилиш орқали гуруҳ таркибидаги жамиятларни молиявий аҳволи назорати ўрнатилади
5-босқич	Бош компания бошқа бир корхонанинг соф активлари қиймати ва уни сотиб олишдаги бозор баҳоси билан ҳақиқий қиймати ўртасидаги фарқни гудвилл сифатида тан олиш	Ушбу босқичда юқори ташкилотларга ҳисоботни тақдим қилиш ҳисоб-китоблари аниқлиги таъминланади
6-босқич	Бош компания тўғридан-тўғри ёки билвосита эгаллик қилмайдиган улушга тегишли бўлган шўъба жамиятнинг соф операцион натижалари ва капитал таркибидаги назорат қилинмайдиган акциядорлар улушини ҳисоблаш ва акс эттириш	Бу босқичда консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш даврида шўъба жамиятларининг қанчалик ҳисобот йилида ижобий ёки салбий натижага эришганлигини кўрсатиб беришига эришилади

<sup>13</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган

Демак, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишда юқоридаги босқичлардан тўлиқ фойдаланилса, ҳисоботнинг сифати ва унга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради. Шу билан бирга, ҳисобот даврида сотиб олинган шўъба жамиятларига берилган инвестицияларини ўлчаш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан активлар, капитал ва мажбуриятларни аниқлаш ва сотиб олган компания томонидан шартномалар расмийлаштирилиб, актив ва мажбуриятларни ҳақиқий қийматини аниқлаб берилишига эришилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини ташкил этишнинг услубий масалалари**» номли иккинчи бобида консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитининг ўзига хос хусусиятлари, консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш ва уни ташкил этиш услубиёти таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур бобда консолидациялашган молиявий ҳисоботни текширишда аудит амалларини қўллаш услубиёти келтирилган бўлиб, уларни таҳлил қилиш натижасида қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда унинг асосий босқичларига тўхталиб ўтишимиз зарур. Шундай экан, аудитнинг дастлабки босқичларидан бири аудитни режалаштиришдир. Ушбу босқич аудитга хос бўлган риск даражасини камайтирадиган усулни танлашдан бошланади. Қўшимча текширишлар, бошқариш воситалари ва зарурий таҳлилий амаллар сонини сезиларли даражада қисқартириш имконияти аниқланади ёки қўшимча текширишлар самарасиз бўлса, асосан таҳлилий амалларга таянилади. Қарор миқдорлар тўғрисида маълумот тўплаш ва аудиторлик рискини баҳолаш босқичида амалга ошириладиган назорат rischi даражаси ва аниқланмаслик rischiни баҳолаш асосида қабул қилинади<sup>14</sup>.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аудиторлик текширувларида акциядорлик жамияти томонидан тузилган консолидациялашган молиявий ҳисоботни текширишда умумий тўпламдаги аудиторлик рискини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Текширув жараёнида таҳлилий амалларни қўллаш юқори даражада консолидациялашган молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланган ҳолда бажарилган бўлса, ундаги аудиторлик рискларини баҳолаш натижалари фақат муҳим бузиб кўрсатишларни инобатга олиш зарур. Бундай вазиятда мазкур натижалар, муҳим бузиб кўрсатилган аудиторлик рискларини аниқлаш вақтида тўпланган бошқа ахборот билан бирга кўриб чиқиш ва аудитор томонидан асосий шўъба жамиятлари тузган молиявий ҳисоботи шу жумладан, консолидациялашган молиявий ҳисобот асос бўлиб хизмат қилади.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни текширишда аудиторлик rischi гуруҳ таркибидаги жамиятларга нисбатан тақсимланиши керак. Ушбу ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказишда шўъба жамиятларнинг ҳам молиявий ҳисоботларини кўриб чиқиш талаб қилинади.

---

<sup>14</sup> Голиков В.М. «Организация и методика аудита консолидированной финансовой отчетности, составленной в соответствии с МСФО» Автореферат Москва г. 2007 с.23

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказишда аудиторлар томонидан бериладиган хулосага салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бу аудиторлик рискдир. Рискларнинг ошиб кетиши аудиторлар билан мижоз корхона раҳбарияти ўртасида манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин. Шундай экан рискни камайтирадиган эҳтиёт чораси, ҳар икки турдаги ҳисоботда ҳам аниқланган маълумотларни таҳлил қилиш учун аудиторлик ташкилоти томонидан қўшимча назорат чораларининг кўрилмаслиги бу ҳозирги амалиётдаги муаммолардан бири ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятлари томонидан тузиладиган консолидациялашган молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида шўъба жамиятлар томонидан тузилган молиявий ҳисоботларига аудиторлик рискларини тақсимлаш аудиторлик текшируви натижасида тузиладиган аудиторлик хулосасининг ишончилигини оширади. Аудиторлик рискини бош жамият ва шўъба жамиятлар ўртасида оптимал тақсимлаш молиявий ҳисоботларининг ишончилигини таъминлаб, аудиторлик ташкилотларининг жавобгарлик даражасини тўғри белгилашга хизмат қилади.

Демак, консолидациялашган молиявий ҳисоботни текширишда аудиторлик rischi гуруҳ таркибидаги жамиятларга нисбатан тақсимланиши керак. Ушбу ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказишда шўъба жамиятларнинг ҳам молиявий ҳисоботларини кўриб чиқиш масалаларига аниқлик киритиш лозим.

«Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон Қарор<sup>15</sup>нинг ижросини таъминлаш мақсадида, 2020 йил «Ўзбекнефтгаз» АЖ консолидациялашган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувини ўтказиш учун «Ernst & Young» дунёдаги йирик аудитор-консалтинг компанияси билан шартнома тузди. Ушбу аудиторлик ташкилотининг 150 мамлакатдаги йирик корхоналар фаолияти бўйича аудит ўтказадиган компания «Ўзбекнефтгаз» АЖ фаолияти бўйича ўз хулосасини берди. «Ўзбекнефтгаз» АЖда халқаро корпоратив кредит рейтингини олиш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш мақсадида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МХХС) жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ 2016–2019 йил учун барча консолидациялашган молиявий ҳисоботлари халқаро рейтинг агентлигига тақдим этилмоқда.

Ушбу аудиторлик хулосаси орқали «Ўзбекнефтгаз» АЖ халқаро рейтинг агентликлари, молиявий ва юридик консультантлар билан ҳамкорликда корпоратив кредит рейтингини олиш, активлар рентабеллиги, активлар ва мажбуриятларнинг айланиши даражаси ҳамда бошқа кўрсаткичлар бўйича халқаро амалиёт асосида белгиланадиган минимал талабларни амалиётга жорий этишни мақсад қилган.

---

<sup>15</sup> Ш.М.Мирзиёевнинг «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4410278>

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказишда молиявий ҳисоботларга жавобгар шахслардан ахборот олиш мақсадида назорат тестларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Назорат воситалари тестлари дастури ички назорат ва ҳисоб тизимининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш учун мўлжалланган ҳаракатлар мажмуидан иборат. Назорат воситалари тестларининг мақсади шундан иборатки, улар ҳўжалик юритувчи субъект назорат воситаларининг жиддий камчиликларини аниқлашда ёрдам беради. Баъзан аудиторлик текширувлари танланма асосида ҳам ўтказилиши мумкин. Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитида танланма текширув саккизта босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичда тегишли вазифалар бажарилади (2-расм).



**2-расм. Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитида танланма аудитни ўтказиш босқичлари<sup>16</sup>**

Аудиторлик текширувлари ўтказиш графигини, қўлланилаётган аудиторлик амалларини, аудит ўтказиш давомида олинган муҳим маълумотларни миқдор билан келишиб олиш зарур. Мазкур жараёнда бошқа аудиторларнинг ишчи ҳужжатлари билан танишиш имкониятига эга бўлиш, шунингдек, барча саволлар бўйича ёзма тушунтириш хатларини олиш мақсадга мувофиқ. Айрим ҳолларда консолидациялашган молиявий ҳисобот тузаётган ташкилотлар чет элда жойлашган бўлса ёки аудит текшируви ўтказиш муддатлари жуда ҳам чекланган бўлса, бош аудитор ўз фикрини бошқа аудиторлар ишида иштирок этмасдан фақат уларнинг ҳисоботидан фойдаланиш асосида фикр билдиришга мажбур бўлади. Бундай ҳолларда у мазкур маълумотни ўз ҳисоботида аниқ баён қилиши, бошқа аудиторлар томонидан тадқиқ этилган корхона ва ташкилотларни, шунингдек, ўзаро боғлиқ ташкилотлар гуруҳи ҳисоботидаги уларнинг салмоғини кўрсатиб ўтиши лозим.

<sup>16</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган

Консолидациялашган молиявий ҳисобот аудитида танлама текшириш тартибини аниқ қилиб олгандан сўнг, аудиторлик текширувида аудиторлар томонидан қўлланиладиган таҳлилий амалларни ҳам келтириб ўтиш керак (3-расм).



**3-расм. Аудиторлик текширувини ўтказишда қўлланиладиган таҳлилий амаллар<sup>17</sup>**

Агар ўзаро боғлиқ ташкилотлар гуруҳи корхоналари турли тармоқ ёки сегментларда фаолият юритаётган бўлсалар, улар турлича ҳисоб сиёсатини олиб бораётган бўлишлари мумкин. Ўзаро боғлиқ ташкилотлар гуруҳи бошқаруви бу фарқларни қуйидаги вариантлар ёрдамида гуруҳлаши лозим:

1. Ўзаро боғлиқ ташкилотлар гуруҳига кирувчи корхоналарга бутун гуруҳ ҳисоботи учун қўлланилаётган ягона ҳисоб сиёсати бўйича ҳисоботлар тайёрлаш тўғрисида буйруқ бериш;

2. Ўзаро боғлиқ ташкилотлар гуруҳига кирувчи корхоналар бошқарувида уларнинг ҳисоб сиёсатидаги фарқларининг батафсил баёнини тақдим этиш ва консолидациялашган молиявий ҳисоботи учун зарур тузатишлар киритиш тўғрисида буйруқ бериш.

Гуруҳ таркибига кирувчи жамиятларнинг фаолиятини тармоқ хусусиятига кўра сегментлаш молиявий маълумотлар, бизнесни бирлаштириш билан боғлиқ, молиявий ҳисоботлар ҳамда консолидациялашган молиявий ҳисобот масалаларини такомиллаштиришда муайян гуруҳлари томонидан кадрланадиган, юқори даражада маълумотларни аниқлигини таъминлашда

<sup>17</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган

сегментлаш жараёни махсулот ишлаб чиқариш ва унинг савдосини йўлга қўйиш маркетинг тадқиқотларида жуда зарурдир.

### 3-жадвал

#### «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботини сегментлаш ҳисоботи маълумотлари<sup>18</sup>

2018 йил 1 январь ҳолатига (млрд сўмда)

Кўрсаткичлар	Нефт ва газ	Газни сотиш ва ташиш	Нефтни қайта ишлаш	Бурғулаш хизматлари	Бошқалар	Тузатиш ва элиминация	Жами
Ташқи контрагентлар	3018	8760	6722	821	352	-	19 673
Сегментлараро	4179	50	82	1372	963	(6646)	-
<b>Жами тушум ва бошқадаромадлар</b>	<b>7197</b>	<b>8810</b>	<b>6804</b>	<b>2193</b>	<b>1315</b>	<b>(6646)</b>	<b>19673</b>
Амортизациядан ташқари харажатлар	(5733)	(7983)	(6203)	(2291)	(837)	6323	(16724)
Амортизация	(1657)	(1317)	(211)	-	(94)	-	(3279)
<b>Жами харажатлар</b>	<b>(7390)</b>	<b>(9300)</b>	<b>(6414)</b>	<b>(2291)</b>	<b>(931)</b>	<b>6323</b>	<b>(20003)</b>
<b>Операцион фаолиятдан олинган фойда (зарар)</b>	<b>(193)</b>	<b>(490)</b>	<b>390</b>	<b>(98)</b>	<b>384</b>	<b>(323)</b>	<b>(330)</b>
Молиявий даромадлар	36	5	76	34	180	-	331
Молиявий харажатлар	(377)	(77)	(182)	(54)	(375)	132	(933)
Бошқа нооперацион даромадлар	89	4	9	4	345	(141)	310
Валюта курсидаги фарқлар	(6442)	(3120)	(891)	(892)	(3899)	-	(15244)
<b>Фойда солиғини тўлагунга қадар зарар</b>	<b>(6887)</b>	<b>(3678)</b>	<b>(598)</b>	<b>(1006)</b>	<b>(3365)</b>	<b>(332)</b>	<b>(15866)</b>
Фойда солиғи	(81)	(10)	(250)	(26)	(514)	-	(881)
